



## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРМЙЛАР

**Шукурова Гулчирой Акмалжон қизи**

*Фарғона вилояти Юридик техникум*

*Юридик хизмат йўналиши 22-22 гуруҳ ўқувчиси*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада Амир Темур ҳаёти фарзандлари ҳақида батафсил фикр юритилган.*

**Калит сўзлар:** *Амир Темур, Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шохрух.*

Амир Темур (тўлиқ исми Амир Темур ибн Амир Тарағай ибн Амир Барқул) 1336-йил 9-апрелда Кеш, ҳозирги Шахрисабз шаҳри яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида барлос уруғининг оқсоқолларида Чигатой улусининг этиборли бекларидан ҳисобланган Амир Тарағай оиласида дунёга келган. Онасининг исми Такина хотун бухоролик эди.

Болалигиданок, табиатан орир-босик, зехни ўткир, шошилмай фикрлайдиган Темурбек даставвал мактабда сабоқ, олди, саводини чиқарди, устозлар назоратида камон дастасини ушлаш, ўк, узиш, найза тутиш, отларни саралай олиш, шикорлар уюштириш, чавандозлик ва киличбозлик кмилиш сирларини яхшилаб урганди. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Темурбек ун икки ёшида тенгкурлари билан “пошшо вазир” уйнашар экан. Темурбек подшо бўлар, қолганларнинг ҳар бирига бир “мансаб” берилар, камишдан ясалган “гуноҳкор” одамни жазолаб, “юрт” бошқарар эканлар. Ун икки ёшлигидаёқ, юрт бошқариш хавосини олишга интилиш кучли булган, ниятни катта қилган.

Аллоҳ таоло Сохибкиронга куп фарзандлар ато этди. Эл корига ярайдиган бўлиб вояга етганлари олти — тўрт ўғил, икки қиз.

Тўнғич ўғил — 1356 йилда Турмиш оға деган хотинидан туғилган Жаҳонгир Мирзо, валиахд эди, 1376 йилда авжи гуркираб турган йигирма ёшида бетобликдан дунёдан кўз юмди. Ундан икки угил — Мухаммад Султон билан Пир Мухаммад Жаҳонгирлар колган.

Иккинчи ўғил — 1356 йилда Тулун оға деган маъшуқаси (канизаги)дан туғилган Умаршайх Мирзо. 1394 йилда халок булган. ўттиз саккиз йил умр кўрган. Олти ўғил қолган: Пир Мухаммад Мирзо, Рустам Мирзо, Искандар Мирзо, Аҳмад Мирзо, Сайид Аҳмад Мирзо, Бойқдро Мирзо.

Учинчи ўғил — 1366 йилда Менгли бика оқа деган маъшуқасидан туғилган Мироншоҳ, Мирзо. 1408 йилда халок булган. Қирқ икки йил умр кўрган. Олти ўғил қолган: Абу Бақр Мирзо, Умар Мирзо, Халил Султон Мирзо, Султон Мухаммад Мирзо, Ийжал Мирзо, Суюрғатмиш Мирзо.

Тўртинчи ўғил — 1377 йилда Тақой Туркон оқа деган маъшуқасидан туғилган Шохрух Мирзо. 1447 йилда вафот этган. Етти ўғил қолган: Улугбек Мирзо, Иброхим Султон Мирзо, Бойсункур Мирзо, Суюрғатмиш Мирзо, Мухаммад Жуки Мйрзо, Жон



Уғлон, Муҳаммад Ёрий Мирзо. Улугбек Мирзодан бошқа барча ўғиллар отасидан аввал дунёдан утганлар.

Биринчи қизи - Оқа Беги хоним 1359 йилда Турмиш оқа деган хотинидан туғилган. Муҳаммадбек ибн Мусога узатганлар, бу никоҳдан Султон Хусайн Мирзо туғилган. 1382 йилда йигирма уч ёшида бетоб булиб оламдан куз юмган.

Иккинчи қизи — Султон Бахт бегим 1362 йилда Улжой Туркон оқа деган хотинидан туғилган. Амир Муҳаммад Миракка узатадилар, лекин куёв Соҳибкиронга қарши тиг қўтариб чиқади ва жангда ҳалок булади. Иккинчи марта Соҳибкирон жияни Амир Сулаймоншоҳга турмушга чиқади. 1430 йилда вафот этган.

Хуллас, Амир Темур ўрта асрларда юртимиз муғиллар зулми остида қийналаётган пайтда ўзининг узокни кўра билган давлат арбоби сифатида сиёсат майдонига чиқди. У ўзининг узок йиллар ҳукм сурган салтанатини одилона бошқаришини кўришимиз мумкун.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Р.Шамсутдинов ва бошқалар “Ўзбекистон тарихи” тошкент “Академикнашр” 2019.
2. Муҳаммад Али «Амир Темур солномаси» Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашрети тошкент 2008.